



## НАВОИЙЛИКЛАР ТАЖРИБАСИ: ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИГАЧА



Аввал хабар қилганимиздек, "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудова, партия фарқияси аъзоси Беҳзод Тўхтамурадов ва ҳудудий кенгаш фаолларидан иборат ишчи гуруҳ ислохотларнинг жойлардаги ижроси билан танишиш мақсадида Навоий вилоятида бўлди. Сафар давомида йирик саноат корхоналари, ижтимоий соҳа объектлари фаолияти, аҳоли бандлиги, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўрганилди.

### "НКМК"да ТҶМАРИСЛАР ИШЛАЙДИ

Металлургия саноати бир қарашда фақат эркаклар ишлайдиган соҳадек таассурот уйғотади. Юртимизда шундай корхоналар борки, оғир саноат йўналишида бўлишига қарамай, хотин-қизларимиз ҳам унда фидойилик билан меҳнат қилмоқда. Навоий кон-металлургия комбинатининг машинасозлик заводи шундай тузилмалардан биридир.

Қарийб 21 миллион АҚШ доллари эвазига Жанубий Корея технологияси асосида модернизация қилинган механик-йиғув цехи ўз йўналишида Марказий Осиёда ўхшаши йўқ, ноёб ишлаб чиқариш мажмуаси ҳисобланади. Бу ерда 800 тонналик тош майдалаш тегиримонларидан тортиб, оддий болгайка каби кичик деталларгача, бир сўз билан айтганда, 15 минг хил маҳсулот тайёрланади.

БМТНИНГ ДЕНГИЗГА ЧИҚИШ ИМКНИ БЎЛМАГАН РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР БЎЙИЧА III КОНФЕРЕНЦИЯСИ



## "АВАЗА" КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Ўзбекистон ташаббускорлигини намоён этди

Туркменистон Республикасининг Аваза шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг денгизга чиқиш имкони бўлмаган, ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли тадбирда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳам иштирок этиб, минтақада тинчликни мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланиш истиқболлари юзасидан нутқ сўзлади.

Денгизга чиқиш имкони бўлмаган, ривожланаётган мамлакатлар бўйича конференция минтақани иқтисодий ривожлантиришда ҳам муҳим халқаро тадбир ҳисобланади. Шу жиҳатдан Президентимизнинг анжуманда сўзга чиққани, қатор ташаббусларни илгари сургани аҳамиятли бўлди.

"Бугун бизни бирлаштирган кун тартиби фундаментал масала — адолат масаласига дахлдордир. Бу — денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган давлатларга жаҳон иқтисодиётида тенг шароитларда иштирок этиш имкониятини таъминлашдир... Бунинг учун БМТ шафелигида "Транзит кафолатлари тўғрисида"ги глобал битим ишлаб чиқишни таклиф этамиз", — деди давлатимиз раҳбари ўз нутқида.

Шунингдек, Президентимиз логистика интеграциясига кўмаклашиш жамғармасини таъсис этиш, донор мамлакатлар, халқаро ривожланиш институтлари ва глобал дастурлар ресурсини кенг жалб қилиш, денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган мамлакатларнинг "Заифлик индекси"ни яратиш, бунда давлатларнинг чекланган имкониятларини холис кўриб чиқиш, рақобатбардошлик ва ишбилармонлик муҳитини адолатли баҳолаш таклифларини илгари сурди.

## МАНЗИЛЛИ ЎРГАНИШДАН ТЕЗКОР ЕЧИМГАЧА



...Депутат Бахмал туманидаги тарихий-маънавий аҳамиятга эга "Новқа ота" зиёратгоҳида ўрганиш ишлари олиб борди. Ушбу масканнинг туризм салоҳияти юқори эканини таъкидлар экан, уни тўлиқ рўёбга чиқариш учун йўл ва инфратузилмани яхшилаш, зиёратчилар учун қулайлик яратиш, тарихий-маърифий маълумотларни тақдим этиш ва маҳаллий аҳоли иштирокини кенгайтириш лозимлигини таъкидлади. Хусусан санитария ва дам олиш масканларини ташкил этиш, миллий таомлар ва хунардандчилик маҳсулотлари орқали маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш мумкинлиги қайд этилди.

## ХОРАЗМ: ҚАДИМ ТАРИХ САДОЛАРИ



Гурганч шаҳрининг XIX аср бошларидаги кўриниши

X-XII юз йилликларда Хоразм, бизнинг кўз ўнгимизда, бир томондан, Халифалик мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларни юзага келтирувчи марказ, бошқа томондан, Ғарбий Сибирь ва Шарқий Европанинг беадад кенгликларидеги давлатларни ўзаро бирлаштириб турувчи ўлка сифатида ҳам намоён бўлади. Хоразм шаҳарлари, айниқса, феодаллик давригача мамлакатнинг пойтахти вазифасини бажарган Кат шаҳрини иккинчи планга су-



Гурганч шаҳри. XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ёдгорликлар

риб чиқарган Гурганж шарқ ва шимолдаги ўлкаларни савдо-сотик нуқтаи назаридан ўзаро боғлаб турувчи йирик марказга айланган эди.

## Оғриқли мавзу

# РУҲИЙ ЧАРЧОҚ БОЛАНИ КАЛТАКЛАШ УЧУН БАҲОНА ЭМАС!



...Юқоридаги каби ҳолатларда эса куйидаги масалалар устида бош қотиришимиз зарур:

1. НЕГА БИЗ БОЛАГА НИСБАТАН БУ ҚАДАР ЗЎРАВОНМИЗ?
2. НЕГА БИЗ ПЕДАГОГГА ФАҚАТ НАЗОРАТ ЮКЛАЙМИЗ-У, ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМАЙМИЗ?
3. НЕГА ҲАР БИР ФОЖИА ОРТИДАН ОҒРИНАМИЗ, АММО ТИЗИМНИ ЎЗГАРТИРМАЙМИЗ?

Таъкидлашим керакки, юрт тақдирига бефарқ бўлмаган фуқаро сифатида мени бу ҳол жиддий ташвишлантиради. Фикримча, боғчаларни болажонлаштириш вақти келмади — у аллақачон ўтиб бўлди. Энди эса ҳар бир бола учун хавфсиз, меҳрли, психологик соғлом муҳит яратиш — фақат тарбиячилар ёки ота-оналарнинг эмас, бутун жамиятнинг мажбуриятига айланиши зарур. Зеро, болалар ўлими учун "руҳий чарчоқ" сабаб бўлолмайди ва унга қарши курашишга алоҳида аҳамият қаратилмас экан, қурбон ўрнида бугун Зубайр, эртага бизнинг яқинларимиз бўлиб қолиши ҳеч гап эмас...

# НАВОЙЛИКЛАР ТАЖРИБАСИ: ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИГАЧА



## Орифжон ОДИЛОВ, “Адолат” СДП Матбуот хизмати ходими

Цехнинг “юраги” ҳисобланган, 100 тоннагача юк кўтариш қувва-тига эга кранни ўзбек қизи – Дилфуза Нормуродова бошқараётгани эътирофга сазовор. Заводда бундай меҳнаткаш хотин-қизлар сони 800 нафардан ортиқ экани янада қувонарлидир.

“Адолат” СДП Сиёсий кенгаши раиси Робохон Махмудова корхона ишчилари билан самимий мулоқот қилди. Сўхбат давомида юртимизда хотин-қизларга яратилаётган имкониятлар сабаб опа-сингилларимиз ҳар бир соҳада ўз ўрнига эга бўлиб бораётгани таъкидланди. Партиянинг дастурий мақсадларида ҳам бу жиҳат алоҳида эътиборга олинган, хотин-қизларга муносиб турмуш ва меҳнат шaroитларини яратиш йўлида “Адолат” СДП бундан кейин ҳам тизимли ташаббусларни илгари суришда давом этиши айtilди.

Фояларимизга хайрихоҳлик билдирган бир гуруҳ ходимлар партия сафига қабул қилинди.

### ХУНАРЛИ АЁЛ РЎЗҒОРИДА БАРАКА БЎЛАДИ

Навбахор тумани тобора енгил санаот марказига айланиб борапти. Сўнгги 3-4 йилда ўнга яқин тикув-трикотаж фабрикалари, кўшама корхоналар ишга туширилгани шундан далолат беради. Жараёнда хотин-қизларнинг уюшиб, мустақил ишлаб чиқариш цехларига асос солаётгани янада эътиборга молик. Ишчи гуруҳи шундай

такор қаштачилик мактаби билан машҳур бўлган. Қувонарлиси, бугун хунарманд-тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар ушбу қадимий санъатнинг қайта ривож топишига замин яратмоқда.

Навбатдан манзил Нурота туманидаги “Мустиқиллик” маҳалласида истикомат қилувчи тадбиркор Баҳора Мамаражабова томонидан ташкил этилган қаштачилик маркази бўлди. Бу ерда маҳалланинг 80 нафар хотин-қизлари иш билан банд қилинган эътиборга молик. Яна 200 нафардан ортиқ қишлоқ аёллари касаначи сифатида меҳнат қиляпти.

– Дастлаб кичикроқ хонада 4 нафар қиз билан иш бошлагандик, – дейди Б.Мамаражабова. – Мавжуд имтиёزلардан фойдаланиб, фаолиятимизни кенгайттирдик. Ҳозир 8 турда хизмат кўрсатамиз, ходимларнинг фарзандлари учун уй-боғча ҳам ташкил қилдик. Маҳсулотларимизга Қозғистон, Россия, Туркия, АҚШ каби давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Марказ “Долзарб 90 кун” лойиҳасида ҳам фаол иштирок этиб, хунар ўрганиш истагида бўлган 25 нафар мактаб ўқувчиси учун “устоз-шоғирд” анъанаси асосида қаштачилик сирларини ўргатишни йўлга қўйган.

“Эзги таътилдан унумли фойдаланиб, қаштачиликни ўрганишдан, келажакда ўз тадбиркорлик марказимни очиб ниятим бор” дейди 7-синф ўқувчиси Феруза Жўрабоева.

жиҳатдан республикамиздаги энг йирик эзги оромгоҳлардан бири ҳисобланади.

– Бу йилги дастур “Долзарб 90 кун” акциясида келиб чиқиб, болалар учун машгулотлар, янада самарали, қизиқарли тарзда ўтатилади, – дейди оромгоҳ директори Маҳбуба Умарова. – Мусиқа ва таъсирли санъат, спорт, пазандлик тўғрисида фаолиятни йўлга қўйилди. Оромгоҳда ташкил қилинган кичик музей орқали болаларда миллий тарихга ҳурмат руҳини шакллантиришга эътибор қилинмоқда.

Ишчи гуруҳ оромгоҳнинг 3-мавсуми якунига бағишланган маросимда иштирок этди. Жараёнда фаол ўқувчилар ҳамда муассаса кутубхонасига бадий асарлар совға қилинди.

### МАҲАЛЛА – ИСЛОХОТЛАР МАРКАЗИ

Маҳалла юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг рўёбга чиқишида муҳим бўлган саналади. Президентимиз ташаббуси билан “Маҳалла еттилиги” тизими яратилган, аҳоли, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, жиниятчиликка қарши курашиш, эҳтиёжманд қатламни қўллаб-қувватлаш каби муҳим вазифаларни бевосита маҳалланинг ўзида таъминлашга имкон туғилди. Эндиликда тизим ходимларидан фидойилик билан меҳнат қилиш талаб этилади.

“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова Нурота туманидаги “Амир Темура” маҳалласида бўлиб, еттилик ходимлари билан мулоқот қилди.

Маҳаллада 3654 нафар аҳоли истикомат қилади. Умумий 884 та оила

лаётган чора-тадбирлар ва амалий тақлифлар муҳокама қилинди.

Шундан сўнг қишлоқ аҳолиси учун сайёр қабул ўтказилди. Мурожаатларнинг аксарияти тадбиркорликни бошлаш, ишга жойлаштириш ва касб-хунар ўрганишга оид бўлган эътиборга молик. Хусусан, Санобар Асқарова болаликдаги орузи сабаб 50 ёшида Навой инновационлар университети факультетини тамомлагани ва эндиликда фельдшерлик курсида ўқимокчи эканини билдирди.

Яна бир мурожаатчи, Шаҳноза Ҳазратова оғир ижтимоий шароити ва турмуш ўртоғининг ногиронлигига қарамай, Навой давлат педагогика институтини тамомлаб, мактабгача таълим ташкилотига ишга кирганини маълум қилди.

Тадбиркорликка интилаётган нуроталик аёллар ҳам ўз ташаббусларини ўртага ташлади. Нигина Каримова бир неча йилдан буён пиллачилик, асаларилик ва нонвойлик билан шуғулланиши, меҳнат ортидан рўзғори обод бўлаётганини айтиб, нон ва асал маҳсулотлари савдоси учун кўча дўкон очиб амалий ёрдам сўради. Унинг ушбу ташаббуси қўллаб-қувватланиб, кўнун доирасида ҳал этилиши белгиланди.

Бундан ташқари, тадбирда моддий ёрдам, уй-жой таъмири ва коммунал хизматларга оид ўндан ортиқ мурожаат қабул қилинди. Билдирилган ҳар бир мурожаат депутатлар ва масъуллар назоратига олинди, ҳал этиш учун барча чоралар қўрилиши маълум қилинди.

### УЧ СОТИХДАН МИЛЛИОН ДАРОМАД

Томорқадан унумли фойдаланиш орқали юқори даромад олаётган юрдошларимиз сони ортиб бормоқда. Уларга давлат томонидан имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратилиши қишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминлаб, эл дастурхони тўкин бўлишига хизмат қиляпти. “Адолат” СДП ишчи гуруҳи ана шундай соҳибкорлардан бири, нуроталик Мамаражаб Бозоров хонадонидан бўлди.

Умумий майдони 17 сотихни эгаллаган ҳовлининг бир қарич ери ҳам бўш эмас, шундан 3 сотихида иссиқхона барпо этилган.

– Ававаллари фақат чорва билан шуғулланардик. Маҳалла ва ҳокимлик тақлифи асосида 50 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, иссиқхона ташкил қилдик. Ҳозирда помидор, картошка, сабзи, пилёз ва турли кўкатлар етиштиряпмиз. Ҳосилдорлик юқори, харидорларнинг ўзи уйдан олиб кетади, Худога шукур, даромадимиз миллиондан ошаётми – деди М.Бозоров.

Сўхбат давомида партияимиз етакчиси Робохон Махмудова ушбу тажрибани ҳудудда кенг оммалаштириш тақлифини билдирди. Шунингдек, жорий йилнинг 30 июли куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда инновацион ёндашувларни жорий этиш, бу борада мева экспортини кўпайтиришга қаратилган ташаббуслар ва вазифаларга ургу берилиб, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўз навбатида, хонадон эгасининг истагини инобатга олиб, унга қўшимча 1,5 сотихли иссиқхона қуриш ва бодринг етиштиришни йўлга қўйишда қўмаклашиш белгиланди.

Муҳтасар айтганда, партия раҳбари ва фаолларнинг Навой вилоятига савфари меҳнаткаш аҳоли, тадбиркор ва ишбилармонлар қатлами билан конструктив мулоқот руҳида ўтди. Одамларни қийнаётган муаммолар жойида ўрганилди. Сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлар ҳар бир масалага самарали ечим топишда асос бўлиб хизмат қилади.



# “АВАЗА” КОНФЕРЕНЦИЯСИ

## Ўзбекистон ташаббускорлигини намоён этди

Бундан ташқари, конференция сўнггида Туркменистон етакчиси Сердар Бердимухаммедов билан тор доирада учрашув ташкил қилинди. Ушбу мулоқотда ҳам Президентимиз халқларимизга муносиб турмуш шaroитлари яратиш, ижтимоий соҳа, хусусан, фан, таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳамкорликни кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон – Туркменистон муносабатлари чуқур тарихий илдизга эга. Бу икки қардош халқ асрлар давомида ягона давлатчилик анъаналари остида яшаб келган, умумий мақсад сари бирга интилган. Ушбу ҳамкорлик сўнгги йилларда янги босқичга кўтарилди, таъбир жоиз бўлса, стратегик шериклик даражасига етди.

Шу ўринда бир жиҳатга эътибор қаратиш ўринли. Президентимизнинг Туркменистонга бу галги таширида мамлакатимизга янада юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилгани сезилди. Айниқса, конференция аввалида ўтказилган маросимда Президентимиз Туркменистон Республикасининг “Ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” олий ордени билан мукофотлангани барчамизга ифтихор бағишлади. Бу бой тарихий тажриба, қардошлик ва ўзаро ҳурматга асосланган Ўзбекистон – Туркменистон стратегик шериклик муносабатларида янги босқич бошланганидан далолат беради.

Зеро, ушбу нуфузли мукофот хорижий давлатларнинг танikli давлат ва жамоат арбобларига халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро тушунишни мустақамлашдаги алоҳида хизматлари учун берилди. Бугунги кунга қадар фақат Россия ҳамда Туркия президентлари Туркменистоннинг ушбу орденига муносиб кўрилган.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, ушбу халқаро конференция Марказий Осиё давлатлари учун минтақавий ва халқаро муносабатларда муаммоларни бамаслаҳат ҳал этиш юзасидан муҳим қадам бўлди.

## Фракция йиғилиши

# Кам таъминланган шахсларга

давлат ҳисобидан юридик ёрдам  
кўрсатиш тизими  
такомиллаштирилмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида кам таъминланган шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.



Мазкур қонун лойиҳаси билан давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифаси кенгайтирилмоқда. Хусусан, кам таъминланган шахслар муайян ишда ўзига нисбатан суд томонидан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш тўғрисида Конституциявий судга мурожаат этганда, улар давлат ҳисобидан юридик ёрдам олишлари мумкинлиги белгиланмоқда.

Фракция аъзоси Зухриддин Мавлонов амалдаги қонунчиликка мувофиқ, янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан аввал қабул қилинган ҳужжатларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши лозимлигини таъкидлади. Қонун лойиҳаси матнида Конституциявий судга мурожаат қилган фуқаронинг илтимосига асосан, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишда адвокатнинг иштирокини таъминлаш чоралари назарда тутилган, ушбу норма “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонун ва “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонунларда акс этгани, лекин “Адвокатура тўғрисида”ги қонунда акс этмаганини қайд этиб, мазкур қонун лойиҳасида назарда тутилган адвокатлик фаолияти турлари қаторига қуйидаги ҳолатни ҳам киритиш тақлифини илгари сурди. Яъни, суд томонидан қўлланилган қонуннинг Конституциямизга мувофиқлиги масаласи бўйича мурожаатлар юзасидан судда, бошқа давлат органларида, жисмоний ва юридик шахслар олдида адвокатнинг вакиллик фаолиятини амалга ошириш имкониятини ҳам белгилаш лозим.

Қонун ташаббускорлари кўтарилган масалалар юзасидан батафсил тушунтиришлар бердилар.

Йиғилиш якунида фракция аъзолари қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлашди.



кичик фабрикалардан бири – “Guller textile” масъулияти чекланган жамиятида бўлиб, тикувчи хотин-қизлар билан учрашди.

Корхонада ишлар кундузги ва кечки тартибда ташкил қилинган, 100 нафардан ортиқ ходимлар бандлиги таъминланган.

– Асосан, болалар учун кийим тикамиз, – дейди корхона иш юритувчиси Гулжаҳон Тўйназарова. – Маҳсулотларимиз маҳаллий бозорда харидорсиз. Бундан ташқари, Россия Федерациясига ҳам экспорт қиляпмиз. Яқинда ходимлар учун бепул тушлик ва транспорт хизматини йўлга қўйдик.

Тикувчилар билан ўтказилган мулоқотда касаначиликни ривожлантириш масаласи муҳокама қилинди. Хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш оилалар фаровонлигини оширишга хизмат қилиши таъкидланди. Партия вакиллари бундай ташаббусларни доим қўллаб-қувватлашга, бу борада янги қонунчилик ташаббусларини ишлаб чиқиш, амалий чоралар кўришга тайёр эканликларини билдиришди.

### КАШТАНИ БРЕНДГА АЙЛАНТИРГАН ҚИШЛОҚ АЁЛЛАРИ

Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хунармандчилик анъаналари мавжуд. Нурота асрлар давомида ўзининг бе-

### ЁЗ – ИҚТИДОР ВА ИМКОНИЯТЛАР ФАСЛИ

Мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган “Долзарб 90 кун” тадбирлари ўқувчиларни ёзги мавсумда соғломлаштириш, уларнинг иқтидор ва имкониятларини янада ривожлантиришда ўзига хос тизим бўлиб хизмат қилмоқда. Навбахор туманидаги “Сармиш” болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳам иш қизгин давом этапти.

Оромгоҳ 660 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳар йили 2800 нафарга яқин болажонларни ўз бағрига олади. Шу

мавжуд бўлиб, асосан деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандлик йўналишлари ҳудуд драйвери ҳисобланади.

Учрашувда маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва фаоллар билан сўхбат қурилди. Уларнинг фаолияти, келгуси режалари ўрганилди.

Жумладан, маҳаллани ҳозирги “Сариқ ҳудуд” тоифасидан олиб чиқиш, бунинг учун жиният ва ҳуқуқбузарликларни жойлаш, аҳоли реал даромадларини ошириш борасида кўри-



# МАНЗИЛЛИ ЎРГАНИШДАН ТЕЗКОР ЕЧИМГАЧА

### Парламент ва халқ ўртасидаги ишонч мустаҳкамланмоқда

Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳар ойнинг сўнгги ўн кунлигини ўз сайлов округларида бўлиб, аҳоли билан юзма-юз мулоқот ўтказишади. Мақсад – жойлардаги долзарб муаммоларни манзилли ўрганиш, сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш, амалий ва барқарор ечимларни ишлаб чиқишдан иборат. Уларга вилоят ва туман (шаҳар) кенгашларидаги халқ вакиллари яқин кўмакдош бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бундай ҳамкорлик орқали масалалар тизимли ўрганилади, соҳалар кесиммасидаги муаммоларга комплекс ёндашув шаклланади ва ечимлар изчил амалга оширилади. Июль ойининг сўнгги иш ҳафтасида ҳам мамлакатнинг турли ҳудудларида ана шундай мақсадли ва манзилли ишлар олиб борилиб, қатор ижтимоий аҳамиятга эга масалалар ўз ечимини топди.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.** Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Нодира Рашидова Қўнғирот туманидаги ўрганишлари чоғида “Минжарған” маҳалласида яшовчи Салтанат Ақжолованинг ўзини ўзи банд қилиш мақсадида тикув машинасига эҳтиёжи борлигини маълум қилди. Депутат ушбу масалани қисқа фурсатда ижобий ҳал этиш чораларини кўрди.

– Депутат фаолияти фақат қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ёки меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш билан чекланиб қолмайди. Асосий вазифамиз – қонун ижодкорлигини халқ ҳаёти билан уйғунлаштириш, унинг амалда

қандай самара бераётганини жойларда таҳлил қилиш. Шу боис, ҳар бир округда аҳоли билан бевоқиф мулоқот қилиш, уларнинг ҳаёт тарзи, кундалик ташвишлари ва орзу-умидларини эшитишни мақсад қилганмиз. Бу нафақат долзарб масалаларни манзилли ўрганиш, балки уларнинг ечимини тезкор белгилашга ҳам имкон яратди, – дейди Н.Рашидова.

“Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси Нурлибай Қайипбергенов бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари Қўнғирот туманига бориб, Салтанат Ақжоловага замонавий тикув машинасини топширди.



**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ.** Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Гулнораҳон Абдувоҳидова Жалақудўқ туманидаги “Ҳамзабод” маҳалласида бўлиб, аҳолининг инфратузилма, ижтимоий ҳимоя ва бандлик масалалари бўйича муаммо ва тақлифларини ўрганди. Учрашув чоғида нафақат маҳалланинг кундалик турмушига оид масалалар, балки мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг жойларда ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан ҳам фикр алмашилди.

– Мамлакатимиз бўйлаб кенг миқёсда тантана қилинаётган 30 июль – Халқлар дўстлиги кунини ҳам сўнаги йилларда миллатлараро тотувлик ва баргичкенлик муҳитини мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган ишларнинг ёрқин далилидир. Ўртимизда 130 дан ортққ миллият ва элат вакиллари ўзаро тинчлик ва ҳамжиҳатликда яшаб, мамлакатимиз раванқига ҳисса қўшиб келмоқда ва бу биз учун, шубҳасиз, энг қимматли бойликдир. Бу каби учрашуларимиз турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч ва дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайди, – дейди Г.Абдувоҳидова.

Шу билан бирга, маҳаллада амалга оширилаётган лойиҳалар ижроси ўрганилиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича амалий тақлифлар ишлаб чиқилди. Депутат таъкидлаганидек, халқ билан доимий мулоқот ва уларнинг фикрини эшитиш – ижтимоий адолатни таъминлашнинг гаровидир. Мурожатларни ўз вақтида қўриб чиқиш орқали фуқароларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг келажаки ишончини мустаҳкамлаш ва депутатлик институтига бўлган ишончини янада ошириш мақсад қилинган.



**НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ.** Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Дилмурод Исмоилов аҳоли мурожаатлари асосида Давлатобод туманидаги бир қатор объектларда ўрганиш ишларини олиб борди. Хусусан, “Оқсой” маҳалласида 3 километрга яқин масофадаги ички йўлнинг йиллар давомида таъмирланмаслиги автотранспорт воситалари ва аҳоли учун ноқулайлик, хавфли вазиятларни келтириб чиқараётгани аниқланди.

Шунингдек, “Сайхун” маҳалласи “Нуронийлар” кўчасида ҳам шунга ўхшаш муаммо мавжуд: узок йиллардан буён таъмир кўрмаган йўллар, ёритиш тизими йўқлиги аҳолида жиддий ташвиш уйғотган. Қолаверса, “Дамарик” маҳалласидаги 35 та хонадонни тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолмади. Маҳалла аҳли йиллар давомида сув таъминлигини азият чекиб келмоқда. Бу саломатлик, гигиена ва умийи яшаш сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Депутат ўз ваколати доирасида масалаларни тегишли давлат органлари кун тартибига қўйиш, уларнинг ечимини амалдаги механизмлар орқали қўриб чиқишини маълум қилди.

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ.** Ўртимизда маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, улар орқали жамиятда миллий қадриятларга бўлган эҳтиромни мустаҳкамлаш, шунингдек, зиёрат туризмининг ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Шухрат Якубов Бахмал туманида бўлиб, мазкур ҳудуддаги тарихий-маънавий аҳамиятга эга “Новқа ота” зиёратгоҳида ўрганиш ишлари олиб борди. Зиёратгоҳдаги учрашулар давомида депутат ўртимизнинг бой маънавий меросини асраб-авайлаш ҳақида фикр билдирди.

Шухрат Якубов ушбу масканнинг туризм салоҳияти юқори эканини таъкидлар экан, уни тўлиқ рўйбга чиқариш учун йўл ва инфратузилмани яхшилаш, зиёратчилар учун

қулайлик яратиш, тарихий-маърифий маълумотларни тақдим этиш ва маҳаллий аҳоли иштирокини кенгайтириш лозимлигини таъкидлади. Хусусан, зиёратгоҳга олиб борувчи йўлларни таъмирлаш, санитария ва дам олиш масканларини ташкил этиш, миллий таомлар ва хунармандчилик маҳсулотлари орқали маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш мумкинлиги қайд этилди.

Шунингдек, “Новқа ота” зиёратгоҳини туризм соҳасидаги лойиҳаларга жалб этиш, интернет ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, турли сайёҳлик порталлари орқали халқаро миқёсда тарғиб қилиш юзасидан ҳам тақлифлар билдирилди. Ушбу гоялар нафақат зиёратгоҳини, балки Бахмал туманини сайёҳлар учун жозибадор нуқтага айлантириш имконини беради.



**ТОШКЕНТ ШАҲРИ.** Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Елена Борисова Яққасарой туманида аҳоли турмушига бевоқиф таъсир қилаётган қатор масалаларни жойига чиқиб ўрганди. Жараёнда уй-жой ва кадастр ҳужжатларидан тортиб, инфратузилма ва экологик ҳолат, йўл таъмири ва ижтимоий масалаларга қадар турли йўналишдаги мурожаатлар тинганди. Депутат томонидан масъул идоралар иштирокида ҳар бир муаммонинг ечимини жойида белгилаш бўйича амалий чоралар кўрилди.

Ўрганишлар жараёнида дарахларни суғориш, болаларни ёзги оромгоҳга юборишдаги қийинчиликлар, уй кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришдаги кечикишлар каби масалалар аниқланди. Шунингдек, уй тоmidан чакки ўтиши, оқова сув қувурларининг тўлиб қолиши, асфальтланмаган йўллар ва болалар боғчасига олиб борувчи йўлда ҳаракат хавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар ҳам ўрганилди.

– Депутат сифатида энг асосий вазифам – қонунлар орқали ислохотларга йўл очиб билан бирга, уларнинг ҳаётда қандай самара бераётганини жойларда қўриш ва инсонлар ҳаётига бевоқиф таъсир қилаётган масалаларни ортққча расмийлаштиришга белгиласдан ҳал этиш. Жойига бориб,

аҳолини ўз кўзим билан кўриб, масъуллар билан шу ернинг ўзида ечим белгилаш – халқ ишончини таъминлайдиган энг тўғри йўл. Айтиш жоиз, аниқланган муаммоларга қўрилган чоралар нафақат айрим фуқаролар, балки маҳаллалар ҳаётига ҳам ижобий таъсир кўрсатмасдан қолмайди, – дейди Е.Борисова.

Кейинги йилларда шаҳарсозлик, инфратузилма ва уй-жой қурилиши соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар аҳолининг турмуш сифатини яхшилашда ўзининг муҳим натижаларини бермоқда. Бироқ баъзи жойларда бу жараён нафақат сифат, балки келишув ва ижтимоий мулоқот етишмаслиги боис аҳолининг кескин эътирозига сабаб бўлмоқда.



**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.** Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Наримон Умаров Ўрта Чирчиқ туманида бўлиб, “Олтиўғил” маҳалласида маданий инфратузилмани ривожлантириш

имкониятларини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Ўрганиш доирасида Маданият вазирлиги балансида сақланаётган, аниқ пайтда фойдаланишда бўлмаган икки бино ва улларга қарашли ер

Шундай ҳолат Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги “Тузель” маҳалласида ҳам кузатилади. “Обод маҳалла” дастури доирасида амалга оширилаётган қурилиш ишлари юзасидан 15-, 16-, 30-, 39-сонли кўп қаватли уйлар аҳоли томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Гулруҳ Агзамовага маълум қилинди. Муаммоларнинг асосий жиҳати сифатида ишларнинг чўзилиши, қурилиш сифатининг пастлиги, муҳим қарорлар аҳоли билан муҳокама этилмаслиги ва туман мутасаддиларининг мулоқотдан бош торгани таъкидланди.

Бу эса нафақат техник, балки институционал муаммодир. Яъни, фуқароларнинг овози эшитилмаётгани, жойлардаги масъуллар билан жамоатчилик ўртасидаги алоқа йўқлиги, бошқарув самарадорлигига путур етказиши. Муаммоларни чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида депутат тегишли идоралар, жумладан, Яшнобод ва Бектемир туман ҳокимликлари, маҳалла раислари, масъул ташкилотлар раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказди. Шунингдек, муаммоларнинг туман, шаҳар ва республика даражасидаги қўламини аниқланиб, уларни тизимли ҳал этиш учун зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

майдонини онлайн-аукцион савдолари орқали хусусий инвесторга сотиш, шу асосда замонавий дам олиш масканини ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди.

– Маҳаллий инфратузилмани ривожлантиришда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. “Олтиўғил”да замонавий дам олиш маскани ташкил этилиши нафақат аҳоли учун қулай шарт-шароит яратди, балки ҳудудга инвестиция қилишини ва туризм салоҳиятининг ошишини таъминлайди. Шу боис, масалани тезкор ҳал этиш ва лойиҳани амалга ошириш – биз учун устувор вазифа. Таъкидлаш жоизки, бундай лойиҳалар маҳаллий иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатиб, аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариш имкониятларини кенгайтиради ва жойларда ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилади, – деди Н.Умаров.

Мазкур ташаббусни амалга ошириш учун Давлат активларини бошқариш агентлиги, Маданият вазирлиги ва Тошкент вилояти ҳокимлиги мутасаддилари иштирокида қатор учрашувлар ўтказилиб, масалани ҳуқуқий жиҳатдан республика даражасида ҳал этиш бўйича келишувга эришилди. Лойиҳа доирасида ҳудуднинг туризм ва иқтисодий салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари ҳамда аҳоли учун қулай дам олиш имкониятларини яратиш бўйича аниқ чоралар белгиланди.

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ.** Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Мухаммадҷон Валиев Қўқон шаҳридаги 1- ва 7-сон оилавий поликлиникалар фаолияти билан танишди. Ўрганишдан қўзланган асосий мақсад – тиббий хизматлар ҳолатини баҳолаш, тизимда амалга оширилаётган ислохотларнинг қандай ижроси, шу билан бирга, соҳа вакиллари билан очик мулоқот қилишдан иборат бўлди. Жараёнда поликлиникалардаги тиббий хизматлар сифатининг аҳоли эҳтиёжларига қанчалик мос экани, кадрлар салоҳияти, моддий-техник таъминот, электрон хизмат кўрсатишнинг жорий этилиши каби муҳим масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ҳақиқатан, бу каби ўрганишлар парламент фаолиятининг амалий ҳаёт билан уйғунлиги ҳамда депутатлик масъулиятининг асосий кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Тахрирсиз хат

# ИШОНМАГИНИ ДЎСТИНИГА...

Ушбу хат

Тахририятимизга Фаргона вилояти, Олтиариқ тумани, "Хўжақўрғон" МФЙ, Хўжақўрғон кўчаси, 19-уйда яшовчи нафақадаги фуқаро Раҳимжон Маматова мурожаат қилди. У ўз мактубида бир неча йил дўст бўлиб, борди-келди қилиб, яхши-ёмон кунларида ёнида юриб, ишончини қозонган аёл томонидан алдангани, ўша таниши катта миқдордаги пулини олиб, хорижга чиқиб кетгани, аммо ИИБ ходимлари ушбу ҳолатга "ўзидан соқит қилиш" кайфияти билан муносабатда бўлаётганини ёзади. Мактубни асл ҳолича эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

"Ҳурматли "Adolat" тахририяти жамоаси. Газетангизни мунтазам мурожаат қилиб бораман. Унда чоп этилган мурожаатлар ва танқидий мақолалар орқали қанчадан-қанча фуқароларнинг адолатсизликдан оғриган юраклари таскин топаганини биламан. Бугун менинг ҳам бошимга ташвиш тушди, сизлардан нажот истаб мурожаат қиламан.

Олтиариқ тумани, "Тинчлик" МФЙ, Саида Зуннунова кўчасида яшовчи Муҳаббат Сулаймонова (исм-фамилия ўзгартирилган – тахририят) билан тахминан 10 йилча олдин, яъни у "Ўзгаллик салони"да ишлаб юрган вақтида танишганман. Шу ўтган давр ичида бир-биримиз билан яқиндан танишдик, оилавий борди-келди қилдик, тўй-маъракаларда бирга бўлдик.

Нафақага чиққанымдан кейин Олтиариқ тумани марказидаги Буюм бозорига сотувчилик қила бошладим. Атрофдаги турли йўналишда тадбиркорлик қиладиган дўкондорлар билан ҳамкорликни йўлга қўйдим. Кўпинча, мендан қарз олиб, маҳсулот учун сармоя қилиб, олинган фойдага мениям қисман шерик қилишарди.

Уларга қанча пул бериб турсам, ён дафтаримга қайд этиб қўяман. Ўртада ҳар доим ишонч бўлган, бир-биримизни алдамаганмиз.

2023 йилнинг октябрь ойи ўрта-

ларида Муҳаббат савдо дўконимга келиб, ўғлини қамқондан чиқармоқчилиги, шунинг учун катта миқдорда пул зарур бўлиб қолганини айтди. Ўрни келганда айтишим керак, у авваллари ҳам мендан қарз олиб турар, вақтида қайтарарди. Бир ой олдин ҳам 6 миллион сўм қарз олган ва ҳали қайтариб бермаганди. Хуллас, унга 44 миллион сўм бердим. Олдинги қарзига қўшиб, 50 миллион сўм қилиб қайтаришини айтди.

Уша кунларда "Умра" зиёратига тайёргарлик кўраётгандим. Тадбиркорлик ишларимни, ҳамкорлар билан пул олди-берди-ларимни вақтинча бажариб турадиган ишончли одам излаб юрганымда яна Муҳаббат кириб келди ва бу ишларни унга ишоншим мумкинлигини айтди.

Ишондим. Шу кунларда пул бериши керак бўлган ҳамкор тадбиркорлар рўйхатини унга бердим. Яна пул керак бўлиб қолса, сўраб келишса, тўпланган пуллардан бериб, дафтарга қайд этиб қўйишини ташвишландим.

Сафардалигимда бир неча марта Муҳаббат билан кўнғироқлашдик, ҳар сафар у менга қарздорлардан пул ололмаётганидан нолир эди. Бу орада тадбиркорлар мен билан боғлиниб, пулларни Муҳаббатга беришганини, лекин ундан яна маҳсулот олиб келиш учун пул сўрашганида бермаётганини айтишди.

Уйга қайтганимдан сўнгра Муҳаббат дафтарининг ўзинигина олиб келди ва пулларни ишлаб кўйгани, 3-4 кунда олиб келиб беришини учун одамийлик нуқтаи назаридан уни тушунишга ҳаракат қилдим.

Бир неча кун ўтган тадбиркорлар билан бирма-бир гаплаша бошладим. Билдимки, бозорда савдо қиладиган барча ҳамкорлар мендан олган қарзларини қайтаришган...

У билан оқичча гаплашиб олиш мақсадида кўнғироқ қилдим. Бозордаги барча тадбиркорлар унга пул беришганини аниқлаганимни, ўзи мендан олган 50 миллион сўм қарзга ўша пулларни ҳам қўшиб, зудлик билан қайтаришини айтдим. У биров муддат беришимни илтимос қилди. 2023 йилнинг 5 декабрь кунига қадар кутдим. Кейин излашга тушдим, телефонлари ўчирилганди. Уйига бораганимда Россияга қочиб кетганини эшитдим...

Болалигимда "Ишонмагин дўстинга, сомон тижар пўстинга" деган мақолни эшитиб, маъносини тушунамасдим. Ҳақиқат экан, ҳаётда ҳаммага ҳам ишониб бўлмаслигини нуроний ёшга етганда англаб етдим.

Декабрь ойи охирида Олтиариқ тумани ИИБ бошлиги номига ариза билан ёзма мурожаат қилдим. Аввалига Жиноят кодексининг 3-қисми, "а", "б" бандлари билан 302031/2023-553-сонли жиноят иши кўзга тушди. 2024 йил 25 март кунини "Жиноят таркиби йўқ" деган ваз билан ҳаракатдан тугатишди.

Туман прокуратураси томонидан 12 июнь кунини назорат тартибида ўрганилган, қайта тергов учун яна ишни тиклашди. Шундан кейин ҳам қарийб 1,5 ой давомда – 23 июлга қадар бирор бир тергов ҳаракати олиб борилмади. Сўнгра 15 август кунини жиноят иши яна ҳаракатдан тугатишди.

дан тугатишди. Мени ўйланттиргани, қарийб 8 ой ичида қанча сарсон-саргардон бўлдим, аммо расман ишда гумон қилинувчи, деб топилган М.Сулаймонова бирор марта терговга жалб қилинмади, мамлакатдан чиқиб кетгани аён бўлгани ҳолда қидирув эълон қилиш чораси ҳам кўрилмади. Яқинда, мазкур ҳолат юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилинган, деб қўя қолишди.

Яна бир ҳолат. Ички ишлар бўлими ходимлари ва терговчиларнинг хатти-ҳаракати устидан Фаргона вилояти ИИБга қилган мурожаатларим Олтиариқ туман прокуратурасига юборилмоқда. Улар эса туман ички ишлар бўлимига, айнан шу ишни кўрган тергов бўлими бошлиғига йўналтиришяпти...

Мени кўп саволлар қийнайди, ноҳақ бўлсам, нега жиноят иши терговчилар хоҳлаганда очиб-ёпадиган эшикми? Мен ИИБ мансабдори устидан қилган ишқоятим ўша одамнинг ўзига йўналтирилиши қайси мантқиққа тўғри келади? У ҳеч замонда мен қонуни бузган эдим, деб айбини тан оладими?

Аммо Фаргона вилояти ИИБда ҳам, Олтиариқ тумани ИИБда ҳам мени қийнаётган бу саволларга жавоб берадиган масъул топилмаяпти. Шунинг учун ҳам тахририятга мурожаат қилишга мажбур бўлдим.

**Ҳурматли "Adolat" тахририяти! Шижоат аризамни назоратта олишингизни, Муҳаббат Сулаймонова алдос ва фирибгарлик йўли билан сўнгра ўмарган жами 186 миллион сўмни ундирилишида, унга нисбатан қонуний чора кўрилишида ёрдам беришларингизни сўрайман.**

Умид ва ишонч билан  
Раҳима МАМАТОВА"

Фирибгарликда айбланаётган гумон қилинувчига, унинг мамлакат ҳудудига эмаслиги оидин бўлгани ҳолда қидирув эълон қилинмагани масаланинг яна бир баҳсли жиҳатидир. Аксинча, 2024 йил 5 август кунини "Гумон қилинувчини терговга мажбурий келтириш тўғрисида" қарор қабул қилинган. Ушбу ҳужжатда "...гумон қилинувчи бир неча бор қақирилишига қарамай тергов органига келишдан қасддан бўйин товлаб, қочиб юрганилиги" инobatта олинган ва ИИБга мажбурий келтириш белгиланган. Хорижда юрган шахсни терговчи қайси усулда бир неча бор чақиргани кизик. Уни қай тартибда мажбурий келтирмоқчи бўлгани, орадан ўн кун ўтиб, гумонланувчи мажбурий келтирилмай, терговга жалб этилмай туриб ишда жиноят таркиби йўқ, деб топилгани, бунда қандай асослар ҳисобга олингани бизга қоронғу.

Аммо ИИБ тизимида адолат ва нажот истаб келган фуқаро ишончи бундай поймол бўлмаслиги керак. Биз бу мавзуга яна қайтамиз.

роларнинг сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан тақдирланди.  
– Мазкур меморандумнинг имзоланиши ўзaro ҳамкорлигимизни мустаҳкамлайди, – дейди Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Андижон вилояти бошқармаси ҳуқуқшуноси Акромжон Кенжаев, – Аслида "адолатчилар" билан фаолиятимиз жуда яқин. Айниқса, тиббиёт йўналишида кўп ишларни биргаликда амалга оширамиз. Эндиги вазифа сиёсий йўналишдаги ишларда ҳам фаоллигини ошириш. Буеун ҳамкасбларимиз бу борада ўз олдига аниқ вазифаларни белгилаб олдилар.

"Адолат" СДП Андижон вилоят кенгаши раиси ўринбосари Малоҳатхон Мусаева тадбир иштирокчиларини партияимизнинг мақсад ва ғоялари, бугунги кундаги фаолияти ва партия лойиҳалари билан яқиндан таништирди. Сиёсий жараёнларда иштирок этиш учун ҳар бир фуқаро сиёсий партия аъзоси бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Тадбирда 20 нафар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Андижон вилоят бошқармаси ходимлари сафимизга қўшилиш истагини билдирди. Уларга партияга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Юртимизда кам таъминланган оилаларга кўрсатилаётган давлат ёрдамининг мақсади – болалар ва оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, уларнинг асосий эҳтиёжларини қондириш ва ижтимоий адолатни мустаҳкамлашдир. Давлат томонидан берилаётган болалар нафақаси ва моддий ёрдам ижтимоий барқарорликнинг муҳим механизмидир. Ҳар бир эҳтиёжманд оила ушбу тартибдан фойдаланиши ва белгиланган тартибда ариза топшириш ҳуқуқига эгадир.

"Адолат" СДП Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

"Adolat" шаҳри

# БОЛАЛАР НАФАҚАСИ

## ёхуд моддий ёрдам учун мурожаат қилиш тартиби қандай?

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Айниқса, кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам кўрсатиш тизими уларнинг фаровонлигини таъминлаш, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган.



**Шохзоджон ОТАМУРОДОВ,**  
Тошкент давлат юридик университети  
жиноий одил судлов факультети тьютори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги "Аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 654-сонли қарорининг 1-иловасида "Кам таъминланган оилаларни "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом"и тасдиқланган. Мазкур низомнинг 3-бобида болалар нафақаси ва моддий ёрдам учун мурожаат қилиш тартиби белгиланган. Унга кўра, кам таъминланган деб эътироф этилган оиллага болалар нафақаси ёхуд моддий ёрдам яшаш жойи бўйича оиланинг муомалала лаёқатли аъзосининг ёзма аризасига асосан тайинланади. Мазкур ариза зарур ҳужжатлар билан бирга бевосита ариза берувчининг доимий ёки вақтинча яшаш манзилидаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига тақдим этилади ва рўйхатга олинади. Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг туман (шаҳар) "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази директорининг номига белгиланган шаклдаги ариза фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига тақдим этилади.

Аризага қайси ҳужжатларни илова қилиш лозим?  
"Кам таъминланган оилаларни "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги низомнинг 15-бандига мувофиқ, аризага қуйидагилар илова қилинади:

- ариза берувчи ва оила аъзоларининг паспорти ёки ID карталари нусхаси;
- чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳномалари, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномалари ёки ID карталари ҳамда яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги тўғрисида қайд вағари нусхаси;
- болалари васийлик остида бўлган тақдирда, аризага васийлик ва ҳомилик органи қарорининг нусхаси илова қилинади;
- оиланинг маъжуд чорва моллари ва паррандалари, ариза ва унинг оила аъзолари номига расмийлаштирилмаган, бироқ фойдаланувчи бўлган автотранспорт воситалари, боғ ва деҳқон хўжалик ерлари, ижарасидан ёки бошқа фаолиятдан олинган даромад ушбу оиллага келиб тушадиган нотурар жойлари тўғрисида белгиланган шаклдаги маълумот;

- ариза берувчи ва унинг оила аъзолари номидаги тижорат банки ҳисобварақларидаги маблағ қолдиқлари ва ариза берилган ойдан олдинги 3 ой мобайнида уларнинг номига ўтказилган пул ўтказмалари юзасидан маълумотларни Марказий банк томонидан "Ягона реестр" АТга тақдим этиш тўғрисида оиллага бирга яшовчи 18 ёш ва ундан катта ёшдаги муомалала лаёқатли барча оила аъзолари имзолари билан тасдиқланган белгиланган шаклдаги ариза. Бунда бирга яшовчи 18 ёш ва ундан катта ёшдаги муомалала лаёқатли барча оила аъзолари имзоларининг ҳақиқийлиги учун ариза берувчи жавобгар бўлади. Ариза берувчи томонидан ушбу бандда келтирилган барча ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилганлиги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан текширилади.

Оилани кам таъминланган деб эътироф этиш ва унга болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни тайинлаш учун аризалар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига оила ушбу нафақа ёки моддий ёрдам олишни истаётган ойдан олдинги ойнинг 16-санасига қадар тақдим этилади.

Ариза берувчи томонидан барча ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ҳолларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ариза берувчига қўшимча равишда қайси ҳужжатлар тақдим этилиши кераклиги ҳақида хабар қилади. Ушбу ҳолатларда ариза берувчи томонидан тақдим этилиши керак бўлган ҳужжатлар қўшимча беш кун ичида, бироқ ушбу нафақа ёки моддий ёрдам олишни истаётган ойдан олдинги ойнинг 16-санасига қадар тақдим этилиши шарт.

Юртимизда кам таъминланган оилаларга кўрсатилаётган давлат ёрдамининг мақсади – болалар ва оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, уларнинг асосий эҳтиёжларини қондириш ва ижтимоий адолатни мустаҳкамлашдир. Давлат томонидан берилаётган болалар нафақаси ва моддий ёрдам ижтимоий барқарорликнинг муҳим механизмидир. Ҳар бир эҳтиёжманд оила ушбу тартибдан фойдаланиши ва белгиланган тартибда ариза топшириш ҳуқуқига эгадир.

## ТАХРИРИЯТДАН:

Раҳима аянинг ўқинч тўла мактубидан кўп нарса оидинлашди. Албатта, кимнидир оғир жиноятда айбланган йироққиз. Бу масала билан ваколатли органлар шугуллангани маъқул. Аммо фуқаронинг ички ишлар органларига қилган мурожаатларига бу тахлит муносабатда бўлингани бизни чуқур ўйга толдириди. Ўзи мол аччиғида турган, жабрланган, кекса аёлни шунча сарсон қилишгани ҳам мутасаддиларнинг "маъсулияти"дан дарак беради.

Модомики, ишда жиноят таркиби бўлмаса, нега жиноят иши кўзга тушди? Нега прокуратура ишда тергов хар томонлама ва тўлиқ ўтказилмаган, деб топди? Қайта тикланган иш юзасидан бир ойдан ортқик вақт ичида бирор процессуал ҳаракат олиб борилмагани тергов ҳолислигини шубҳа остига қўймайдими?

## МЕМОРАНДУМ АСОСИДА ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНДИ

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва сиёсий фаоллигини ошириш сиёсий партиялар олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Бу борада ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда иш олиб бориш ижобий самара беради. Шу маънода Ўзбекистон "Адолат" СДП ва Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ҳамкорлигида меморандум имзолангани бежиз эмас.

Андижонда юқоридаги меморандум тарғиботида бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ҳудудий партия кенгашларининг атакчилари ва Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Андижон вилоят бошқармаси ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар меморандумда кўзда тутилган асосий мақсад, белгиланган вазифалар ва унинг ижросини таъминлаш тўғрисида фикр алмашишди. Жойларда тарғибот ишларини олиб боришда биргаликда ҳаракат қилиш ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва сиёсий фаоллигини ошириш мақсади билан ҳамкорлик мустаҳкамланди.




Фаоллик

## Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари


Мамлакатимизда, хусусан, Хоразм воҳасида илм аҳли орасида атоқли олим, археолог, академик Сергей Толстов номини билмайдиган одам топилмас керак. У салкам 70 йиллик ҳаётининг 40 йилдан ошгани Хоразм тарихини ўрганишга бағишлади. Ўтган асрнинг 30-йилларида "Хоразм археологик-этнографик экспедицияси"ни ташкил қилди.

Воҳа этномаданиятини тадқиқ қилди, Туркменистон ва Қорақалпоғистон республикалари, Хоразм вилояти ҳудудларидаги 200 дан ошқ шаҳарлар ва қалъаларда, тарихий масканларда археологик қазилма ишларини олиб борди. Натижада Хоразмда шаҳарсозлик маданияти, давлатчилик тараққиёти, деҳқончиликнинг ривожланиши олис қадимият билан боғлиқлигини исботлаб берди. У бошчилигида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида Тупроққалъа, Қўйқирилганқалъа, Ангақалъа, Жонбосқалъа, Қўрғошқалъа, Аёзқалъа, Қизилқалъа каби қадимий илм-фан, маданият, санъат марказлари фаолият юритганини кашф қилди.

Олим илмий изланишлари асосида "Ўзбекистоннинг қадимий маданияти", "Қадимги Хоразм", "Қадимги Хоразм маданиятини



излаб", "Окс ва Яксарт ирмоқлари бўйлаб" асарларини яратди. Бу асарлар дунёнинг ўнлаб тилларида таржима қилинди. Хоразмни ва унинг қадимий тарихини дунёга танитди. Ушбу асарлардан биттаси – "Қадимги Хоразм маданиятини излаб" китоби ўзбек тилига таржима қилинган. Эътиборингизга ҳавола қилинаётган парча унинг машҳур "Қадимги Хоразм" китобидан олинди.



# ХОРАЗМ: ҚАДИМ ТАРИХ САДОЛАРИ

Сергей ТОЛСТОВ,  
академик

Ўрта асрлар грузин адабиётининг улғувор ёдгорлиги бўлган "Велхис ткаосани" асарига Руставели муаллиф номидан қахрамонининг ота-онаси – Ҳинд подшоҳи ва маликаси тилидан шундай деб ёзади:

Подшоҳ деди: "Хоразмишоҳ Хоразм давлатига ҳукмдор эрур.

Агар у бизга ўғлини берса – унга ким ҳам тенг келур?";

Малика тасдиқлар уни "Хоразмликлар шарафга тўла,

Ўғлини кувеллика берса, буюк ўғлон бизники бўлур".

Бу сўзларга нисбатан кейинги давр Грузиясининг таниқли ҳукмдор шахсларидан бири Тамаранин бир томони Фарғонадан Грузия ҳудудларига қадар, иккинчи томони Қозғистон чўлларида Ҳинд океани соҳилларигача ястаниб ётган, XII-XIII асрларда катта империя ҳисобланган қудратли Хоразм ҳақидаги улғувор фикрлари ҳаммоҳанглик касб этади.

Мўғулларнинг беаёв ҳужумлари остида қулаган бу империя босқинчиларнинг фарбга томон бузғунчилик юршиларидаги дастлабки қақшақчи зарбани ўзига қабул қилиб олиб, дунё тарихида қони ва жони эвазига фарбий Европа цивилизациясини ҳалокатдан сақлаб қолишдек улғувор ишни амалга оширди. Ваҳоланки, бу мамлакат ҳалокатга учрагунга қадар Яқин ва Ўрта Шарқдаги энг қудратли давлатлардан бири эди.

Мўғулларнинг босқинчилик юршилари арафасида Хоразмга келган арабларнинг машҳур географи ва сайёҳи Ёқут Ҳамавий бу ўлканни гуллаб-яшнаб турган заминни, унинг бой шаҳарлари, тинч-оёйсиз қишлоқлари, Хоразмшоҳларнинг марказлашган монархияси туфайли юзага келган мамлакатнинг обод ва фаровон масканлари, давлатчилик қудрати хусусида завқ-шавққа тўла беқиёс хотирлар ёзиб қолдирган.

"Мен дунёнинг бирор нуқтасида, – деб ёзади у, – пойтахтининг улғуворлиги, бойликларининг мўл-кўллиги, аҳолисининг ниҳоятда қўллулиги, одамларининг яхшилик қилишга интилиши, дин ва маънаб буюрган ишларини астойдил бажариши жиҳатдан Хоразмининг бош кентига монанд шахарни кўрмадим".

"Бу оламда Хоразм ерларида кенг ва аҳоли кўп яшайдиган жой бўлмаса керак, – деб ёзади у яна бошқа ўринда. – Бунинг устига аҳолиси машаққатли ҳаётга ва оз нарсага қаноат қилишга ўрғаниб қолган. Хоразмининг аҳоли ўрнашган аксар қишлоқлари ва шаҳарлари ўз бозорларига, ҳаётий зарурат учун барча маҳсулотлар ҳамлаб кўйилган расталарига эва. Бозорлари бўлмаган қишлоқлар деярли учрамайди. Шу билан бирга уларнинг ҳаммасида хавфсизлик таъминланган, тинчлик-хотиржамлик, осойишталик ўрнатилган".

Мусулмон оламининг кўп қисмини айланб чиққан Ёқутнинг Хоразмини бошқа ўлкалар билан қиёслаб улғулаши ва унга юксак баҳо бериши бежиз эмас эди.

Ҳақиқатан, XI асрда шакллана бошлаган, XII асрда улғувор кучга айланган, XIII асрнинг бошларида қудратли давлат сифатида тараққиётнинг юксак нуқтасига кўтарилган Хоразмишоҳлар империяси тарихида ўзидан олдин мавжуд бўлган ва айна пайтда ўзи-



дан кейин юзага келган шарқ феодали империяларидан бирортасига ухшамасди.

Бу империя ташкил топиши жиҳатидан кўчманчиларнинг гуруҳ-гуруҳ бешаққат отлиқ лашкарларининг шиддатли ҳаракатлари туфайли юзага келган Қорахонийлар ва Салжۇқийлар давлатларидан ҳам, Араб халифалигидан ҳам, шунингдек, кучсизланган империяларнинг сиёсий марказларида харбий тўнтариси ясаб янгича ном билан пайдо бўлган Сомонийлар ва Ҳазнавийлар давлатларидан ҳам фарқ қиларди.

Бу империя узоқ вақт мобайнида аста-секинлик билан "худудларни ўзига қўшиб олиш" сиёсати натижасида йирик иқтисодий ва сиёсий марказни шакллантириш туфайли, салжۇқийлар ҳамда қорахонийлар каби улғувор босқинчи империялар орасида устамонлик билан ўзига йўл топиб, уларнинг кучли ва кучсиз томонларини ўрганиб, жиддий хулосалар чиқариш эвазига, ҳукмдорларнинг ҳокимиятини юксалтириш учун янги феодали монархияни қарор топтиришга интилишлари оқибатида юзага келган эди.

Хоразм бизнинг кўз ўнгимизда X-XIII асрларда Ўрта Осиёдаги кўчманчи қабилаларни табиий равишда бирлаштирувчи, ўзига жалб қилувчи марказ, ўғуз ва қипчоқ даштларида Олдосиё мусулмон цивилизациясининг мустақам таянч нуқтаси сифатида ҳам намоён бўлади. Хоразм шаҳарлари даштликлар билан кенг миқёсда савдо-сотик ишларини олиб бордилар.

"Қос (Қат) – Хоразмининг бош шаҳри, Туркистон гузларининг дарвозаси ҳисобланади. Турклар ўлкалари, Туркистон, Маеворауннаҳр, Хазорлар вилоятларидан келадиган маҳсулотлар тўпладиган маскан. Савдогарлар учрашадиган жой саналади", – деб ёзади X аср форс географиясида оид "Худуд ул-олам" асарининг номалум муаллифи.

"Журжония (Гурганж) – Хоразмининг пойтахтидан кейинги энг катта шаҳар, – деб ёзади муаррих ал-Истахрий. – У гузлар билан савдо қилнадиган жой ва бу ерда Журжон, Хазор, Хуросонга турли хил қарвонлар йўл оладилар".

Хоразмлик тожирлар кўчманчилар билан савдо соҳасида хавфсизликни таъминлайдиган мустақам ҳамкорлик алоқаларини боғлашганлар.

Бу хусусда географ Ибн Фадлон фаройиб бир маълумотни келтиради: "Бирорта хоржилик мусулмон уларнинг мамлақати худудидан ўтмоқчи бўлса, хоразмликлардан кимдир уни

ўзига дўст қилиб олмагунча бемалол ўтиб кетолмайди. Айни пайтда хоржилик Хоразмдан тайинланган дўстининг уйида туриш учун унга мусулмон давлатлардан биридан кийим-бош, унинг хотинига чой-шай, бироз қалампир, тарих, майис ва ёнғоқлар келтириши керак... Туркларда ана шундай урф-одат бўлган: агар у (меъзон) Журжония(Гурганж)га кўчиб борадиган бўлса, ўзининг меъмонини ҳам уйига тақлиф қилган, меъмон ҳам то ўз юртига қайтиб кетгунча униқиди яшаган".

Хоразм билан жиддий иқтисодий ҳамкорликларни йўлга қўйган Манғишлоқ ва Сирдарёнинг қуйи оқимидаги ўлкалар айна пайтда унинг сиёсий ҳукмронлиги таъсирида ҳам бўлган.

Албатта, бу ўринда масала фақат шунинг ўзидангина иборат эмас. X-XII юз йилликларда Хоразм, бизнинг кўз ўнгимизда, бир томондан, Халифалик мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларни юзага келтирувчи марказ, бошқа томондан, Фарбий Сибирь ва Шарқий Европанин беадад кенгликлариди давлатларни ўзаро бирлаштириб турувчи ўлка сифатида ҳам намоён бўлади. Хоразм шаҳарлари, айниқса, феодали даврига мамлакатнинг пойтахти вазифини бажарган Кат шаҳрини иккинчи планга суриб чиқарган Гурганж шарқ ва шимолдаги ўлкаларни савдо-сотик нуқтани назардан ўзаро боғлаб турувчи йирик марказга айланган эди.

Араб муаллифлари асарларида Хуросоннинг аксарият шаҳарларида ҳамда шимолдаги хазорлар ва булғорлар худудларида хоразмликларнинг кўллаб жамоалари яшаётганларини қайд этиб ўтадилар. Бу хусусда Истахрий бундай деб ёзади: "Улар (хоразмликлар) Хуросоннинг барча аҳолисига нисбатан хоржиқ ўлкаларга кўпроқ ёйилганлар. Шу билан бирга улар жуда кўп сайёҳат қилдилар. Хуросонда бирорта катта шаҳар йўқки, унда кўллаб хоразмликлар яшамасин!".

Яна шуниси характерлики, хоразмликларнинг савдо борасида олис шаҳарларга йўл олишга интилишлари ҳақида тарихан аввалги манбаларда ҳам маълумотлар келтирилади. Масалан, Тан сулолалари тарихида хоразмликларнинг араблар босқини давридаги ҳаётига шундай баҳо берилади: "Фарбдаги барча ўлкаларда яшовчи аҳоли орасида ёлғиз бир халқ борки, улар юк ташувчи араваларга буқаларни қўшадилар ва ана шу араваларда узоқ ўлкаларга савдо учун йўл оладилар".

Ибн Фадлоннинг маълумотларига

кўра, X асрда хоразмликларнинг жамоалари Булғорда ниҳоятда кўп бўлган. X асрда хоразмликлардан иборат бўлган ҳисобсиз мусулмон жамоалари Хазориянинг пойтахти Итилнинг катта қисмини эгаллаган. Ҳатто Хазория ҳокимининг "ал-Арсия" деб аталган жангларида чиниққан хоразмлик мусулмонлардан иборат ўн минг лашкарлик қўшини ҳам фаолият юритган.

Хоразмининг Фарбий Европа билан иқтисодий алоқалари қадимий рус биткаларида ҳам ифодасини топган.

Масалан, қадимий рус тилида Каспий денгизининг "Хвалин ёки Хвалисс денгизи" деб аталиши хоразмликлар тилига хос бўлган бир неча товушнинг уйғунлашиши натижасида р-л га айланган ва Хваризмдан Хвалисс пайдо бўлган. Бунинг ўзига хос бошқа сабаби ҳам бор, негаки, хоразмликлар Манғишлоқ орқали ўтиб Каспийнинг шимол қисмида кемаларни бошқарганлар.

Ушбу номнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиб пайдо бўлишида Орол-Каспий даштларида яшаган кўчманчилар ҳам ўзига хос роль ўйнаган, дейиш мумкин. Шу маънода бир пайтлари Оролбўйлариди ватанларини тарк этиб кетган пачанаклар тилидаги хоразмликлар номини англатуви "ал-Ховалис" сўзи X асрдан бошлаб барча мусулмонларнинг умум номини англатуви турдош отга айланганлиги бежиз эмас. Буни муаррих ал-Бақрининг "Улар(пачанаклар) ўз юртига келувчи одамлар(мусулмонлар)ни – ҳоқ улар Константинополнинг ҳақиқий мулкдор эгаси бўладими, ҳоқ бошқа бировларми – "ал-Ховалис" деб атайдилар" деган фикри ҳам тасдиқлайди.

Апломалар Марвазий ва Авфий асарларида хоразмлик миссионерларнинг (ислом уламоларининг) Киев князи Владимир саройида имон-этиқодни кучайтириш, динга янгича руҳий қувват бағишловчи фаолиятига оид, умуман, Владимирнинг қийин сиёсатида доир, Руснинг охир-оқибат тўла равишда насронийликка ўтиши билан боғлиқ ниҳоятда муҳим ва фот қизиқарли маълумотлар сақланиб қолган. В.Бартольд, В.Минорский ва Б.Заходер томонидан ўрганилган бу маълумотлар матнлари келгунда яна янги тадқиқотлар учун кенг имкониятлар беради. Лекин, ҳеч шубҳасиз, бир нарсани аниқки, X асрдаги Хоразм-Русь ҳамкорлик алоқалари илдизлари, биз бугун уйлаганимиздан ҳам кўра, чуқурроқ ва мустақамроқ бўлган.

Хоразм ҳукмдорлари шимол-шарққа томон экспансиясидан ташқари, айна пайтда, жанубга, юқорида айтиб ўтганимиздек, хоразмликлардан иборат савдо-сотик билан шуғулланадиган жамоалар тўлиб-тошиб ётган Хуросонга ҳам сиёсий фаоллигини оширадилар. Хоразм ҳукмдорлари – Гурганж амири Маъмун ҳам, катлик хоразмишоҳ Абу Абдуллоҳ ҳам кучсизланиб қолган сўнги Сомоний амир, шунингдек, номигагина фаолият юритаётган Аббосий халифа Ҳимюсида бўлган Хуросоннинг баъзи мулкларини ўзиники қилиб олишга интиладилар. Маъмун Сомоний ҳукмдор Нуҳ ибн Мансурдан Насани, Абу Абдуллоҳ эса трансқорақум йўлининг жанубий нуқтасида жойлашган, Фарбий Хуросонни Хоразм ва у орқали Шарқий Европа ҳамда Қозғистон даштлари билан боғлайдиган Обивард шаҳрини олади.

Шундай қилиб, биз X-XI юз йилликлардаги сиёсий тарих ва иқтисодий географияга оид юқоридаги маълумотлар Хоразмининг XII-XIII асрлардаги ижтимоий ҳаётига муҳим роль ўйнаганини чуқурроқ англаб етамиз. Ўз навбатида, X-XI асрларга оид бу маълумотларни ўша тарихий аспектда янада жиддий ўрганиш зарур, ана шунда Хоразмининг Евросиё даштларида қай тарзда шарқ цивилизациясининг марказига айланиши, славян-хазор-булғор алоқаларида, кўчманчи турк ҳамда Олдосиёнинг маданий дунёсини ўзаро бир-бирига боғловчи халқ вазифини бажариши узоқ муддатли тарихий зарурат асосида юзага келганлиги ойдинлашади. Бу, айна пайтда, Хоразмининг шу асосда ўз тарихий ўрнини белгилаб олганини ҳам кўрсатади.

Қамол МАТЁҚУБОВ  
таржимаси

## Инсон қадри учун

# ОКМК ИЖТИМОЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ

## ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ



Бугун юртимизда аҳолининг турмуш фаровонлигини янада ошириш ва яшаш шароитини яхшилаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини тубдан янгилаш мақсадида жуда катта ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари олиб борилаяпти. Қай манзилга борманг, обод манзиллар, янги массивлар, кўркამ бино ва иншоотлар қурилиши кўзни қувнатаяди.

Барча соҳа ва тармоқларда мислсиз ислоҳотлар, янгилик ва янгиликлар авжида. Давлатимиз раҳбарининг саяёҳаракатлари билан, айниқса, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги иш ўринлари яратиш, бандликни таъминлаш, ёшларни ва хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бугуннинг кун тартибиди.

Президентимизнинг "Инсон қадри учун!" деган бош эзгу ғояси барча соҳа вақилларини, барча масъулларни, кенг жамоатчиликни бир мақсад йўлида бирлаштирди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати масъуллари иштирокида Наманган вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда Поп тумани аҳолиси билан бўлиб ўтган учрашув ва самийий мулоқот фикримиз исботидир.

Мазкур учрашувда ОКМК ҳамда Наманган вилояти ҳокимлиги масъуллари, Олмалиқ иқтисослаштирилган прокуратураси, Оила ва хотин-қизлар бошқармаси, Диний қўмита, Адлия, Бандликка қўмақлаштиш маркази, Банк мутасаддилари, "Инсон" маркази, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, ННТлар, "Маҳаллалар" уюшмаси масъуллари, депутатлар, жамоатчилик фаоллари, шунингдек, Поп туманидаги барча соҳа раҳбарлари иштирок этишди.

Маълумки, "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ Республикаимизнинг энг йирик солиқ тўловчи корхоналардан бири ҳисобланиб, бугунги кунда комбинат ва унинг таъсисчилигидаги корхоналарда 36 мингдан зиёд ишчи-хотимлар меҳнат қилмоқда.



Хусусан, Наманган вилояти Поп туманида комбинатнинг Чодак кон бошқармаси фаолият юритади. Мазкур таркибий бўлинма бугунги кунда иқтисодий жиҳатдан самара келтирмаётган бўлса-да, Президентимиз ташаббуси билан чодаклик аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида фаолияти давом эттирилмоқда. Шунингдек, Поп тумани аҳолиси бандлигини таъминлаш мақсадида, комбинат ҳомийлиги остида Чодак қишлоғида ташкил қилинган тикув фабрикаларида бугунги кунда қарийб 600 нафарга яқин маҳаллий аҳолининг бандлиги таъминланган.

Бир сўз билан айтганда, Наманган вилояти ҳамда Олмалиқ кон-металлургия комбинатини узвий боғлаб турувчи ришта бу – минг-минглаб наманганлик меҳнаткаш, мард ва танти инсонлар, салоҳиятли ва хунарманд аёлларнинг Чодак кон бошқармаси ҳамда комбинат таъсисчилигида фаолият юритаётган тикув фабрикаларида завқ билан меҳнат қилишга ётганидир.

Поп туманида бўлиб ўтган учрашувда сўзга чиққанлар ҳамкорлигининг айна мана шу самарали жиҳатлари алоҳида тўхтадилар.

Жумладан, Наманган вилояти ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Динара Якубова, Диний қўмита масъуллари, "Оқила аёллар" ҳаракати ҳамда "Нуронийлар" жамғармаси етакчилари ОКМК масъулларига натижали ҳамкорлик учун миннатдорлик билдиришди.

Шунингдек, учрашувга тақлиф этилган Поп тумани фуқаролари учун сайёр қабул ташкил этилиб, аҳолининг мурожаатлари тингланди. Бандликни таъминлаш, соғлиқни тиклаш, моддий ёрдам, ўқишга шартнома тўлови, мол-мулк низои, томорқадан фойдаланиш ва бошқа мавзулардаги барча мурожаатлар вилоят ва туман масъуллари томонидан жойида ўрганилиб, муаммолар ҳал этилди.

Жумладан, иш масаласида мурожаат қилган чодаклик хотин-қизларни ОКМК таъсисчилигида фаолият юритаётган "Чодак текстиль" тикувчилик фабрикасида касб ўрганиш ва ишга жойлашши масаласида кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда ОКМКнинг фаол иштироки давом этади.

ОКМК Ахборот хизмати



# РУҲИЙ ЧАРЧОҚ

## БОЛАНИ КАЛТАКЛАШ УЧУН БАҲОНА ЭМАС!

Оғриқли мавзу

Болалигимни боғчасиз тасаввур қилмайман. Тарбиячи опаларимнинг меҳрибон нигоҳи, худа-беҳуда инжиқликларимга тоқат қилиб, яхши парваришлагани, ота-она меҳридан кам бўлмаган тарбияси – буларнинг барчаси онгимда шу қадар самимий ва нурли хотиралар сифатида муҳрланганки, уйга кетар эканман: “Раҳмат, опаюн, соғ бўлинг, хар қачон!” деб чин юракдан, миннатдорлик билдирар эдим. Уйдан узокда бўлсам-да, ўзимни асло Ёлғиз ҳис қилмасдим.

**Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузурдаги  
Ёшлар парламенти аъзоси**

Бирок ўшанда ҳаёлимга ҳам келтирмаган эканман – бир пайтлар бегубор болалик даргоҳи сифатида кўрилган боғчалар бугун нафрат, зўравонлик ва ҳатто ўлим домига айланиши, савобли касб эгалари – тарбиячиларнинг қўли қонга ботилиши, меҳр маскани деб тасаввур қилган маконларда руҳий фалажлик, қўрқув ва азоб ҳукмрон бўлишини...

Тан олиш керак, бугун ижтимоий тармоқлардан юрак безиллаб қолган.

Кунда кунора мактабларда ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги келишмовчиликлар, жазавали ҳолатлар, боғчаларда аёвсиз таҳқирланиб, калтакланаётган мурғак гўдаклар ҳақидаги хабарларга назар солиб, ларзага тушасиз...

Ачинарлиси, биз бунди одатий ҳол сифатида қабул қилиб бораётганимизга ақл бовар қилмайди. Масалан, яқинда Тошкентда рўй берган мудҳиш воқеа —

ики ёшли Зубайр Анваржоновга нисбатан хусусий боғчада қилинган шафқатсизлик жамоатчиликини ларзага солди. Айтишларича, гўдак фақат ухламагани учун оғзига чойшаб тиқилган, аёвсиз калтакланган ҳолда ерга отиб юборилган...

Ҳушидан кетганида эса тарбиячи ўйинчоқни ташлагандек беларво телефон ўйнашда давом этган.

...Бу ваҳшийлик ортидан суд қотил аёлга 6,5 йиллик қамоқ жазоси тайинлади. Аммо айбдорнинг “жаҳл устида” деган изоҳи гўёки ҳақиқатни ниқоблаётгандек. Асосий савол шу эмасми: бу “жаҳл” қаердан пайдо бўлди? Нега у портлаш даражасигача етди? Ким унга болаларни таҳқирлашга ҳуқуқ берди? Қачон биз тарбия деган сўзни

овозни ўчириш, инжиқликни жазолаш деб англай бошладик? Катталарнинг дўқ-пўписаси билан яшашга мажбур бўлган гўдакларнинг “айби” уларнинг бола бўлиб қолганида эмасми?

Зеро, бу болалар дунёни ўрганмоқчи, савол беришни истаиди, буйруққа бўйсунмайди. Аммо биз уларни фақат итоат қилишга ўргатмоқдамиз. Шу қайғули воқеа ҳақидаги хабарни ўқиб, кўп қаватли уйлardan бирининг ёнидан ўтиб кетаётганимда, юқори қаватдан яна бир овоз эшитилди: “Чакагине ўчсин, зумраша! Сени туққунча, ит тугсам яхши эмасиди, ер юткур. Саволингга кўзим учиб турибдимми?!” Йўлимда тўхтадим. Титрадим.

Шунга қарамай, бу манзара ижтимоий тармоқларда қулғу ва контентга айланмоқда. Боланинг инжиқлиги, нотўғри талаффуз қилган сўзлари устидан қулиши, уни масхара қилиши – булар миллий интернет сегментимизда “қулғули” лаеҳалар сифатида айланмоқда. Бу ҳазил эмас. Бу маънавий инқироз. Биз Хитой боғчаларида болалар робот ясаётганига қойил қоламиз, аммо ўз боғчамизда бола тишини уриб синдиришни тарбия, деб биламиз.

Муаммонинг илдизи эса бирмунча чуқурроқ. Ойлиги кредитини тўлашга базўр етардиган, меҳнатидан қадр топмайдиган, мунтазам психологик босим остида ишлайдиган тарбиячидан меҳр, сабр, педагогик ёндашув кутиш – бу ёлгон умид. Тарбиячиларнинг

катта қисми руҳий чарчаган, касбий тайёргарлиги йўқ, психологик кўмакдан бебаҳра. Аммо биз уларга боғчаларда энг қимматли бойлигимиз – фарзандларимизни ишониб топшираемиз. Бу парадокс эмасми?

Шундай ҳолатда боғчани “тарбия маскани” деб аташ – бу сўзнинг ўзига нисбатан ҳурматсизлик деб биламан ва тизим ўзгариши шартлигини айтмоқчиман. Сабаби, бугунги боғча модели болага тўлақонли мослаштирилмаган. Юқоридаги каби ҳолатларда эса қуйидаги масалалар устида бош қотиришимиз зарур:

1. НЕГА БИЗ БОЛАГА НИСБАТАН БУ ҚАДАР ЗЎРАВОНМИЗ?  
2. НЕГА БИЗ ПЕДАГОГГА ФАҚАТ НАЗОРАТ ЮКЛАЙМИЗ-У, ҚЎЛАБ-ҚУВВАТЛАМАЙМИЗ?

3. НЕГА ҲАР БИР ФОЖИА ОРТИДАН ОГРИНАМИЗ, АММО ТИЗИМНИ ЎЗГАРТИРМАЙМИЗ?

Таъкидлашим керакки, юрт тақдирига бефарқ бўлмаган фуқаро сифатида мени бу ҳол жиддий ташвишлантиради. Фикримча, боғчаларни болажонлаштириш вақти келмади – у аллақачон ўтиб бўлди. Энди эса ҳар бир бола учун хавфсиз, меҳрли, психологик соғлом муҳит яратиш – фақат тарбиячилар ёки ота-оналарнинг эмас, бутун жамиятнинг мажбуриятига айланиши зарур. Зеро, болалар ўлими учун “руҳий чарчоқ” сабаб бўлмайди ва унга қарши курашишга алоҳида аҳамият қаратилмас экан, қурбон ўрнида бугун Зубайр, эртага бизнинг яқинларимиз бўлиб қолиши ҳеч гап эмас...

**ДУНЁНИНГ ЖАМИ ҒАМ-ТАШВИШЛАРИ  
ГЎДАКНИНГ БИР ТОМЧИ КЎЗ ЁШИГА АРЗИМАЙДИ.  
Ф.М.Достоевский**

# БОҒЧА ДЕВОРЛАРИ ОРТИДАГИ ЗУЛМ: ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КИМДАН ПАНОҲ СЎРАСИН?

Сўнги вақтларда мактабгача таълим муассасаларида юзага келаётган болалар ўлими, уларга нисбатан жисмоний ва руҳий зўравонлик ҳолатлари кўпайиб бораётгани жамоатчиликни чуқур ташвишга солмоқда. Кунда-кунора укುವсиз педагог-тарбиячиларнинг болаларга кўрсатаётган зуғуми, танасида турли мوماتалоқлар билан уйга қайтаётган болаларнинг яқинлари бу ҳақда ижтимоий тармоқларда бонг уряпти. Албатта, бу жиҳат нафақат ота-оналар учун жиддий синов, балки жамият учун ҳам фавқулодда ҳолатдир.

**Моҳиғул РАҲИМҚУЛОВА,  
Бухоро вилояти кенгаши  
матбуот котиби**

Келинг, атрофлича мулоҳаза қилиб кўрайлик: мактабгача таълим муассасалари — бола ҳаётидаги илк ижтимоий муҳит бўлиб, у шу ерда меҳр-муҳаббат тафтини ҳис этади, дастлабки таълимни олади, тафаккур дунёсига болаликнинг бегубор қалби билан

қадам қўяди. Шу билан биргаликда, у ишонч ва хавфсизликни ҳам ҳис қилиши лозим. Кун давомида бадан-тарбия машқларини бажариб, тарбиячидан илк билан олиши, тенгдошлари билан ўйнаб, мазали таомлардан таомланиши, тушки йўқуда дам олиб, уйга янги таассуротлар билан қайтиши керак.

Аммо айрим мактабгача таълим муассасаларида тарбиячилар томонидан болаларга нисбатан ноҳужа муомала, зўравонликлар юз бермоқдаки, ушбу ҳолатлар боланинг жисмоний ва руҳий соғлиғига жиддий зарар етказиб, уларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳаттоки, жажжи юракча соҳиб-

лари тарбиячиларнинг қабоҳати боис дунёни эрта тарк этмоқда. ММТда ток уриб ўлган бола, тарбиячи қўйови билан ўлган бола, тарбиячи калтаклаб ўлдирган бола... Эҳ, бундай машъум хабарлар кўпайиб бораётгани кўнглимизда оғриқли тассуротлар қолдираётди.

Муаммонинг илдизи тизимдаги бир қатор камчиликларда: тарбиячиларнинг етарлича тайёргарликнинг, педагогик ва психологик тайёргарликнинг сустиги, муассасаларда назорат механизмларининг заифлиги, шикоят ва мурожаатларни қўриб чиқиш тизимининг самарали эмаслиги каби омиллардадир. Шунингдек, ота-оналарнинг боғча фалиятини кузатиш имконияти чекланган, бу эса муаммоларни ошқор қилишга қийинчилик туғдиради. Натيجада болалар хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлашга доир талаблар етарлича бажарилмапти, бу эса ижтимоий ишонсизликни кучайтиради. Жамиятда мактабгача таълим муассасалари обрўси пасайиб, педагог касбининг обрўси зарар кўрмоқда.

Ушбу муаммони ҳал этиш учун тизимли ислохотлар зарур. Тарбиячиларни педагогик ва психологик тайёргарликдан мунтазам ўтказиш, барча боғчаларда тўлиқ видеокузатув тизимини таъминлаш ва ота-оналарга кузатув имкониятини бериш, шикоятлар бўйича тезкор ва ошқора текширувларни йўлга қўйиш лозим. Ҳар қандай зўравонлик ҳолати жиний жавобгарликка тортилиши, жамоатчилик олдида очик муҳокама қилиниши керак. Шундагина фарзандларимизнинг боғчада хавфсиз ва осойишта муҳитда бўлишини таъминлай оламиз. Зеро, бу масалада нафақат мактабгача таълим тизими, балки бутун жамият масъул. Ҳақиқатни яшириш муаммони газак олдиришдан бошқа нарса эмас...



**Қодир ЖЎРАЕВ,  
сиёсий фанлар доктори, профессор**

Биргина қишлоқ ҳўжалиги соҳасини олайлик. Бугунги кунда қатор ишлар, жумладан, далаларни ҳаводан расмага олиш, экинлар ҳолатини кузатиш, минерал ўғит ва пестицидларни пуркаш, ҳосилдорликни баҳолаш каби юмушлар дронлар ва уларга ўрнатилган мосламалар ёрдамида аниқ ва самарали амалга оширилмоқда.

Дронлардан фойдаланиш имконияти нихоятда катта бўлган яна бир соҳа борки, бу экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидир. Ушбу йўналишда дронлар ёрдамида ҳайвонларни мониторинг қилишдан тортиб, ўрмонларни ёнғин ва браконьерлардан ҳимоя қилишгача, экотизимлар ҳолатини таҳлил қилишдан тортиб, ўрмонлар, ботқоқликлар, қирғоқларни суратга олишгача – қўлаб тадбирларни амалга ошириш мумкин. Масалан, Жаҳон ёввойи табиат жамғармаси (WWF) бугунги кунда Африкадаги фил ва қаркидонларни кузатиш учун дронлардан унумли фойдаланиб келмоқда.

Яқинда австралиялик олимпиа, доктор Сюзан Грем кунига 100 000 тагача дарахт экиш орқали ўрмонларнинг кесилишига қарши курашда ёрдам берадиган дронларни яратди.

Бориш қийин бўлган ҳудудларга дарахт экишга қодир ушбу дронлар ёрдамида йилгига бир миллиард донгача дарахт экиш мумкин. Ушбу дронлар, шубҳасиз, бутун сайёрада ўрмонларнинг кесилишини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Доктор С.Грем томонидан ишлаб чиқилган дронларнинг бошқа дронлардан фарқи шундаки, улар жамовий ишлаш принципіга эга бўлиб, биринчи учирилган дрон оптимал экиш шароитларини аниқлаш учун майдонни сканерлайди. Кейин ўша ернинг харитасини тузади ва махсус алгоритмлардан фойдаланган ҳолда ҳудуд таркибинини (унумдор тупроққа эгами ёки сув ҳавзалари ёхуд тошлоқ ер каби тўсиқлардан иборатми) аниқлаб чиқади.

Кейин иккинчи дрон юборилади ва у биринчи дрон тақдим этган хариталашга оид маълумотлар асосида аниқ йўналиш бўйлаб парвоз қилади ва дарахт уруғларини қадаш ишларини амалга оширади. Иккинчи дрон бир парвозда 150 тагача уруғлик капсуласини олиб юриши мумкин. Ушбу капсулалар ерга тушганда парчаланиб, уруғнинг оптимал униб чиқишини таъминлайдиган тўйимли копланани чиқаради.

Капсулалар бир неча дарахт турларини ўз ичига олади ва ҳар бир турнинг униб чиқиш даврига қараб парчаланаяди. Бу эса уруғлар беҳуда исроф бўлишининг олдини олади.

Ҳозирда мазкур дронлар синовдан муваффақиятли ўтган бўлиб, Британиянинг Оксфорд шаҳрида жойлашган BioCarbon Engineering компанияси томонидан оммавий ишлаб чиқариш ва сотиш ишлари бошланди. Мазкур кампания ижроси директори Л. Флетчернинг сўзларига кўра, ҳар сонияда битта дрон учирши мумкин, бу эса кунига 100 000 тагача дарахт экиш имконини беради. Бошқача айтганда, 60 ҳуфт дрон билан йилгига бир миллиард дон дарахт экиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, республикамизда ҳам яшил ҳудудларни кўпайтириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. 2023 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияда экологик-ҳуқуқий нормаларнинг ўз аксини топиши Ўзбекистонда инсон кадрини улуглаш сифатида фуқароларнинг экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга, аҳолининг қулай табиий муҳитда ҳаёт кечириши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга ҳамда экологик муаммоларнинг олдини олишга имкон яратди.

Президентимиз ташаббуси билан кейинги йилларда юртимизда дарахт экиш умумийлиги ҳаракатга айланган. Хусусан, “Яшил макон” умумийлиги лойиҳаси доирасида республикамизнинг барча ҳудудларида ҳар йили тахминан 200 миллион туп дарахт ва бута экилиб, катта-катта боғлар барпо этилмоқда.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг “Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, “Яшил макон” умумийлиги лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони экологик барқарорликни таъминлашда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бироқ илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда келгусида бу ишларни янада юқориқоқ босқичга олиб чиқиш зарур.

Биринчи навбатда, дарахт экиладиган ҳудудларни аниқ хариталаш ишларини йўлга қўйиш лозим. Дарахт экиш учун даярли жой қолмаган катта-катта шаҳарларимизда тақдор-тақдор кўчат экмасдан, балки бориш қийин бўлган қир-адирлар, тоғ ён бағирлари, чўл ва дашт зоналарда дарахтзорлар барпо этиш ишларини йўлга қўйишимиз лозим. Ушбу жараёнда янги технологиялар, хусусан, австралиялик олимпиа С.Грем томонидан яратилган жамовий дронлардан фойдаланиш янги натижа беради, деб ҳисоблаймиз.

Умуман олганда, яшил ҳудудларни кўпайтириш, табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳар доим давлат ва жамият ҳаёти учун муҳим масалалардан бири бўлиб келган. Дронлар ёрдамида миллионлаб дарахт экиш она табиатимизнинг софлиги ва табиийлигини асраб-авайлаш ва келажак авлодга бутунлигича етказишга замин яратаяди.

ADOLAT  
Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Исрол ХАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

Робохан МАХМУДОВА  
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ  
Наримон УМАРОВ  
Мухаммад АЛИ  
Гавхар АЛИМОВА  
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖЎРАЕВ  
Зухра ИБРАГИМОВА  
Тошпўлат МАТИБАЕВ  
Талъат МУРОДОВ  
Абдуқамол РАҲМОНОВ  
Собир ТУРСУНОВ

Котибият – 71 288-42-14 (144); 95 096-07-75  
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

НАШР  
КЎРСАТКИЧИ: 100

Газета 1995 йил 22 февралдан  
чика бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Камол Матёкубов  
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов

ISSN 2093-5217



Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани “Шарк тоғи” кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10-3656 рақами билан 2016 йил 04 апрелда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2.  
Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 801

Адади – 2 225  
Босишга топшириш вақти – 21.00  
Босишга топшириш вақти – 21.10

Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

“Шарк” НМАК босмохонасида чоп этилди.  
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



QR коди  
орқали  
газетанинг  
электрон  
вариантини  
юклаб олинг!